

АМАЛИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Муртазаев Мелибек Зокирович, Шокирова Раъно Шодиқуловна,
Закиров Жамишид Мелибекович**

A.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти

e-mail: murtazayev_m@jspi.uz

Аннотация. Уибу илмий услугбий ишида амалий фанларни ўқитиши жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятларини ошириши ҳақида услугбий асослар келтирилади.

Калит сўзлар. Ўқувчилар мустақил фикрлаш қобилияти, умумий ўрта таълим, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириши, мустақил таҳлил асосидаги фикрлаш, амалий ижодкор иқтидор эгалари, Технология фани йуналишилари.

Аннотация. В данном научном методическом сообщение приведется методические основы при преподавания практических дисциплин общее образовательных школъ.

Ключевые слова: Способностей самостоятельного мышления учащихся, общее образовательный образования, развиват способностей самостоятельного мышления учащихся, мышления на основе самостоятельного анализа, овладатели могущества практический творчества, направление обучения технология.

Annotation. This scientific methodological message provides a methodological basis for teaching practical disciplines in general educational schools.

Key words: Students' independent thinking abilities, general educational education, develop students' independent thinking abilities, self-Analysis Thinking, masters of the power of practical creativity, direction of training technology.

Умумий ўрта таълимда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш мулоқоти бу янги аср ривожланиш талабларини муваффақиятли рӯёбга чиқаришимизга имконият яратувчи, ўрганаётган фанларини ва мустақил бажараётган урганиш ишларини янада чуқурроқ англашига ёрдам берувчи ижобий кўникумадир. Мустақил фикрлашга ўргатиш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида баён этилган юқори касбий маданиятли, ижодий ва ижтимоий фаол хаётда ўз ўрнини топа оладиган малакали кадрларни шакллантириш вазифасини ҳал қилишга ҳам мос келади.

Умумий ўрта таълимда ўқувчиларнинг замон талабидаги етук кенг қамровли қилиб тарбиялашда ўқувчиларни ҳар бир ўзлаштириш жараёнидаги манбаларни мустақил таҳлил асосидаги фикрлаш иммунитетитини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим ўрин тутади. Жумладан,

ўқувчиларни баркамол қилиб тайёрлашда жараённи бир таркибий қисми сифатида ўқувчиларни ҳар бир ҳодиса, жараён ҳакида мустақил таҳлил асосидаги фикрлашга одатлантириш, улар иқтидорини аниқлаш ва ривожлантириш гарови ҳисобланади.

Ўз навбатида бундай руҳда ўқитилаётган ўқувчилар келажакда ўзлари танлаган касбий фаолиятларида ҳар бир ўрганилаётган обьект, ҳодиса, жараён элементларини реал ҳақонийлиги бўйича ўрганишга йўналтириладилар. Ўқувчиларни мустақил таҳлил асосидаги фикрлаш мулоқоти айrim ақлий фаолият кўнгиларидан фарқ қиласди.

Эсда сақлаш – энг муҳим фикрлаш жараёни бўлиб, бусиз ўқув жараёнини амалга ошириб бўлмайди, лекин у мустақил фикрлашдан тубдан фарқ қиласди. Компьютернинг хотираси ҳар бири инсонни анчагина яхшироқ, лекин эсда сақлаш мустақил фикрлашни билдирамайди. Кўпчилик ўқитувчилар ҳар қандай фикрлашдан кўра хотирани ривожлантиришни юқорироқ қадрлайдилар, назорат ишлари ва имтиҳонларда асосан ўқувчилар хотираси кўламини текширадилар. Лекин мустақил фикрлаш тарафдорлари эса ақлий фаолиятнинг му раккаброқ турларини назарда тутади. Ўқув жараёнини усиз амалга ошириб бўлмайдиган «номустақил фикрлаш» турларидан яна бири – мураккаб ғояларни тушуниш билан боғлиқ. Табиий ва ижтимоий ҳамда гуманитар фанларни дарсларида ўқувчилар баъзан ўқитувчининг айтганлари ёки дарсликда нима ҳакида ёзилганлигини тушуниш учун анча бош қотирсалар, тушуниш, ўқув материали қийин бўлса, мураккаб ақлий жараён бўлиб ҳисобланади.

Агар ўқувчи мураккаб теоремани тушуниш учун бош қотирса, албатта унинг миясида мураккаб ақлий жараёнлар кечади, лекин буни ҳам ҳозирча мустақил фикрлаш деб бўлмайди. Ўзгалар фикрини тушуниш устида ишлар экан биринчи босқичда унинг шахсий фикрлаши суст бўлади: факат ҳозиргача кимdir томонидан яратилганни идрок қиласди холос, мустақил фикрлаш эса, янги тушуниб бўлинган ғоялар текширилаётганда, баҳоланаётганда, ривожлантирилаётганда ва қўлланаётганда содир бўлади. Далилларни эслаб қолиш ва ғояларни тушуниш эса мустақил фикрлаш учун зарур бўлган дастлабки шартлар бўлиб ҳисобланади, лекин улар ўзаро яхлитлиқда ҳам мустақил фикрлашни англатмайди лар.

Мустақил таҳлил асосидаги фикрлашга мос келмайдиган яна бир фикрлаш тури бу – ижодий ёки ички ҳис билан (интуитив) сезиб фикрлашдир. Амалий фанлар йуналтирадиган амалий ижодкор иқтидор эгалари (барча турдаги спортчилар, ҳунармандлар, усталар, дизайнер, рассом, мусиқа сънатчилар ва бошқа) миясида ҳам мураккаб фикрлаш жараёни содир бўлади, лекин улар буни ҳатто сезмайдилар ҳам.

Мустақил таҳлил асосидаги фикрлаш атамасидан педагогик мұхитда анча дан бери фойдаланиб келинади ва турлы педагоглар буни хилма -хил тарзда ифодалайдилар. Күпчилик үқитувчилар назарида мустақил таҳлил асосидаги фикрлашни юқори тартибдаги фикрлаш деб биладилар. Юқори дегани шу маңнодаки, у Бенжамин Блум тизимиға күра ўрганиш қобилиятынинг сўнгги олий поғонасида туради. Файласуфлар мустақил таҳлил асосидаги фикрлаш деганда, одатда мантиқий фикрлаш ва исботлаш кўникмаларини тушунадилар, унинг ёрдамида ўқувчилар диққат билан ўқиш, чуқур му нозаралар юритиш, ёзувда ўз фикрларини аниқ ва ўйлаб ифода этиш имконини оладилар.

Назариётчилар учун матннинг таркибий қисмларини ажратишга ва матн нинг таъсир қилиш усусларини танқидий қайта мушоҳада қилишга ҳамда матн яратишда амал қилган сабабаларни аниқлашда ёрдам берадиган матнга ёнда шиши «мустақил» деб ҳисобланади. Дайана Халпери «Психология самостоятельного мышления» китобида мустақил танқидий фикрлаш «фикер юритиш нинг шундай кўринишини англатадики, у вазминлик, мантиқ ва мақсадга йўналтирилганлик билан ажralиб туради», - деб ёзади. Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Темпларнинг «Мустақил фикрлашни ривожлантириш учун ўқиш ва ёзиш» лойиҳасида қуйидагича таъкидланади: «Одам мустақил фикрлар экан, у ёки бу ғоялар билан танишади, уларни амалга оширишдаги мумкин бўлган оқибатларини ҳам эътиборга олади. Бунда инсон бу ғояларни дастлаб маълум даражадаги ишончсизлик билан идрок қиласи ва қарама-қарши нуқтаи-қарашлар билан таққослайди. Уларни асослаш учун қўшимча мулоҳазалар тизимидан фойдаланади ва булар асосида ўз нуқтаи-қарашини ишлаб чиқади».

Умумий ҳолда мустақил таҳлил асосидаги фикрлаш – ғоя ва имкониятларни ижодкорлик билан уйғунлашуви, концепция ва ахборотларни қайта фикрлаш ва қайта қуришдек мураккаб жараёндир.

Бу фаол ва интерактив билишнинг бир неча даражаларида бир вақтда рўй берадиган жараён ҳам бўлиб ҳисобланади. Мустақил асосидаги фикр эгасига ҳийла-найранглар камроқ таъсир қиласи, ўзининг шахсий қарашлар тизими бўлгани учун улар турли хавф-хатардан ҳоли бўладилар.

Мустақил таҳлил асосидаги фикрлашда ғоялар ва уларнинг аҳамияти кўп фикрлилик нуқтаи-назаридан кўриб чиқилади ҳамда улар бошқа ғоялар билан таққосланади. Бу фикрлашнинг энг юқори даражаси ақлий фаолият бўлиб, унда таҳлил, таққослаш, изоҳлаш, қўллаш, тортишув, янгилик, муам моларни ҳал қилиш ёки фикрлаш жараёнини баҳолашга алоҳида эътибор берилади.

Мустақил таҳлил асосидаги фикрлаш ўқувчилар мұлоқотини ва гурух би лан ишлаш малакаларини ривожлантиради. Ҳаққоний мустақил таҳлил асоси даги фикрлаш таълим жараёнига жүшкінлик бахш этади, машғулотларни ўқитувчи ва ўқувчи учун қувончға айлантиради. Шунинг учун ҳам ҳозирда ўқувчиларни мустақил ўқишигә ўргатиш ва мустақил таҳлил асосидаги фикрлашга йуналтириш мұхим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Янги ахборотларга дуч келар экан, ўқувчилар уни мустақил равища баҳолаши, унга турли хил нұқтаи-назардан қараши, ундан ўз эхтиёж ва мақсадлари йўлида фойдалана олиш имконияти тўғрисида хулоса ясай олишлари зарур. Ҳақиқий мустақил таҳлил асосидаги фикрлайдиган ўқитувчи бўлиб етишиш учун ўқувчилар ижодий фикрлаш, ўзини синааб кўришига оид малака ларни эгаллаши зарур.

Ўқувчиларда мустақил таҳлил асосидаги фикрлашни пайдо қилиш учун учун қуйидагилар бўлиши керак:

- ўқувчида ўзига хос нұқтаи-назари бўлиши;
- бир фикрдан бошқасининг афзаллигини асослаш маҳорати;
- мураккаб муаммоларни ечиш маҳорати;
- баҳсни далиллаб олиб бориш;
- ягона фикрни ишлаб чиқиш учун биргалиқда ишлаш маҳорати;
- қарашлар ва тасавурларга ҳаётий тажриба қандай таъсир қилишини тушуниш.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга олиб борадиган умумий ҳолдаги йул мавжуд, аниқ-равshan йўллар йўқ, ўқув материалини мазмунига боғлиқ бўлган ўқитиш шартларининг муайян тўплами борки, унинг ёрдамида мустақил таҳлил асосидаги фикрлашни тарбиялаш мумкин. Жумладан, қуйидаги шартлар зарур:

1. Мустақил фикрлаш тажрибасини орттиришга вақт ва имконият бериш.
2. Ўқувчиларга фикрлаш имкониятини бериш.
3. Турли ғоя ва фикрларни қабул қилиш.
4. Ўқув жараёнида ўқувчиларнинг фаол қатнашишларига имкон бериш.
5. Ўқувчиларни уларнинг устидан ҳеч ким кулмаслигига ишонтириш.
6. Ҳар бир ўқувчини у мустақил мұлоҳаза юритишга қодир эканлигига ишонтириш.
7. Мустақил фикрлаш пайдо бўлишини қадрлаш.

Шу билан бирга, ўқувчилар:

1. Ўз-ўзига ишончни ривожлантириб, ўз ғоя ва фикрларини қимматини тушунишлари керак.
2. Таълим жараёнида фаол қатнашишлари лозим.

3. Турли фикрларни хурмат билан эшитишлари керак.

4. Ўз мuloҳазаларини шакллантиришга тайёр бўлишлари лозим.

Мустақил фикр юритиш ўзининг самарадорлиги, долзарблиги, универсаллиги билан комиллик сари ўқувчиларни етаклайди. Жамият ва табиат ҳодисаларини англашда уларнинг тафаккурида пухта замин ҳозирлайди. Фикр юритишнинг мустақиллиги деганимиз ўқувчининг ихтиёрий равища ўз олдига аниқ мақсад, янги вазифалар қўя олиши, улар юзасидан амалий ва назарий фикр юритиши, натижани кўз олдига келтира олиши, қўлланган муаммони ҳеч кимнинг кўмагисиз, ўз ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул, восита ёрдамида, мустақил равища ҳал қилишидан иборат ақлий қобилият кўринишидир. Фикр юритишнинг мустақиллиги ташабускорликда, аниқликда танқидийликда намоён бўлади. Мустақил фикр юритиш ҳаракати куйидаги босқичлардан ташкил топиши мумкин:

-муаммонинг фойда бўлиши;

-масала, муаммо, топшириқ моҳиятини англаш;

-уларга ўхшаш маълумотлар ёки образларни вужудга келтириш;

-тасаввур ва хотира материалларининг камайиши тахминларнинг туғилиши;

-тажминларни текшириш ёки уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқлаш.

-янги тажминнинг юзага келиши;

-фаразларни иккиласми текшириш, иккинчи марта тасдиқлаш;

-масала, топшириқ, муаммо ечимларини топиш (ҳал қилиш);

-ихтиёrsиз ақлий хатти-ҳаракатларнинг давом этиши (фикрларнинг нисбий давомийлиги) ва ҳоказо.

Биз кўп йиллик олиб борилган илмий-тадқиқод ишларимиз натижасида ўқувчиларни мустақил фикр юритишга ўргатиш учун муаммонинг маъносига, шаклига, тузилишига оид томонларини ҳисобга олган ҳолда куйидагиларга уларнинг диққатини йўналтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик:

1. Саволлар, муаммолар, масалалар, топшириқлар аниқ қилиб берилади ва ўқувчи уларда берилган боғлиқликларни, алоқаларни, муносабатларни таҳлил қилганидан кейин, ифодалаб бериладиган саволларнинг бири кўрсатилади.

2. Бир неча йўл, усул ёки босқич билан бажариладиган муаммо, масала, топшириқ, бу ўринда турли йўллар, усуллар, воситалар билан ечилиши мумкин бўлган масалалар, муам молар топшириқлар берилади. Бунда ечимнинг энг қулай, оддий, тежамли йўли иложи борича яширинган ҳолда ҳавола қилинади, муаммолар фикрларнинг бир усулидан, иккинчисига,

бир хукимдан бошқасига, бир ҳулосаданунинг алоҳида кўринишларига, шаклига ўтиш, ақлий қобилиятни шакллантиришга қаратилган бўлади.

3. Мазмуни, моҳияти ўзгариб турадиган муаммолар, топшириқлар, уларда ҳам мустаҳ камланган бир ақлий хатти-ҳаракатларидан бошқасига ўтишдан иборат ақлий қобилиятни таркиб топтиришга йўналтирилади, яъни кўчиш жараёнидан фойдалиншга ўргатилади.

4. Исботлашга, кашф қилишга, янгилик очишга мўлжалланган муаммолар, масалалар, топшириқлар, улар ёрдами билан мантиқий фикрлаш, ички муносабатларни дадиллаш, қонуниятларни англаш сингари ақлий қобилият такомил лаштирилади.

Мустақил фикрлашга, мантиқий мулоҳаза юритишга оид муаммолар, топшириқлар, масалалар, уларни ечиш, ҳал қилиш учун ҳеч қандай маҳсус билимлар талаб қилинмайди, лекин бунда маълум даражада ижодкорлик кўрса тиб, ҳаётга мурожаат этиб, мантиқий мулоҳаза юрита олиш имконияти талаб қилинади, уларнинг баъзилари математик ҳусусияти, бошқалари эсафақат мантиқий бошқотирма шаклида ҳавола этилади.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил фикрлаш ҳали изланмаган, тўла фойдаланилмаган имкониятларга эга бўлиб, уларни тўла очиш, фан ва техника тараққиётини жадаллаштириш мақсадига хизмат қиласди.

Ўқувчиларни ҳақиқатан ҳам долзарб муаммо ҳақида фикрлаш имкония тидан маҳрум қилиб, мантиқий жараёнларни мавҳум тарзда ўрганиш эмас, балки ўқувчиларни тезда фаол ўйлаш жараёнига киришишга, уни тажрибада амалга оширишга имкон берадиган метод энг яхши ҳисобланади. Бундан ташқари, талабаларни ҳақиқатда безовта қилувчи муаммолар ҳақида сўз борганда ташаббус уларнинг ўзидан чиққанда, мустақил фикрлаш яхшиrok ривожланади.

Ҳар бир фанни амалий машғулотида бўлганидек, технология таълими ама лий машғулотларида ўқувчиларни мустақил фикрлаш савиясини ошириш ва ривожлантириш учун катта услубий имкониятлар мавжуддир. Технология таълим мини қайси йуналиши буйича амалий машғулотларни мазмун моҳиятини олмайлик унда ўқувчини мустақил фикрлашга ва мустақил қарор қабул қилишга ундейдиган паузали имкониятлар бор. Технология таълим мини барча йуналишларида ҳам ўқувчиларга ўргатилиши керак бўлган билим куникма манбаларини асоси бўлган дарс материаллари учта муҳим босқичда олиб борилиши керак. Технология таълим мини барча йуналишларини ургатишни биринчи босқичида маҳсулот ёки материаллар ҳақида батафсил билим тушунчалар берилади. Ўргатишни иккинчи босқичида қайси йуналиш бўлишидан қаътий назар маҳсулот ёки материалларга ишлов бериш жиҳозлари ҳақида батафсил билим, тушунча ва куникмалар ургатилади.

Ўргатишнинг учинчи босқичида шу маҳсулот ва материалларга шу жиҳозлар орқали ишлов бериб маҳсулот яратиш нинг технологик усуллари ўргатилади.

Шундай қилиб, юқорида кўриб ўтилган босқичларда ўқувчилар мустақил ҳолда ҳар бир ўрганишга булган уринишда ўқувчилар олган таъсуротларини мустаҳкамлаш учун мустақил ҳолда таъсуротларни таққослаш, текшириб куриш, ишлатиб куриш ва ва бошқа мустақил уринишларни бажарадилар. Бундан кўринадики, ўқувчилар ҳар бир мустақил ҳолда ўрганиш учун мустақил фикрлаш жараёнларини бошидан ўтказадилар, ҳар бир мустақил ўрганишни тўлиқ қилиш учун эмоционал ҳаракат охиригача етганича давом этади, ва ниҳоят мустақил фикрлаш мустақил ўрганишни охириги жараёнларида тулиқ билим тушунча манбасига этиши мумкин етади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Воҳидов М. Болалар психологияси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982. -358 б
2. М.З.Муртазаев. Бўлажак технология таълими ўқитувчиларини кенг диапозонда ўз маҳоратини таъминлашни илмий услубий асослари. Монография. “Зиё таффаккур”. Жиззах. 2020,130 б
3. М.З.Муртазаев. “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълимини ўқитишининг ташкилий методологиясини мувофиқлаштириш асослари”.“Халқ таълими” илмий методик журнали №1, 2019, Б. 42-46
4. Муртозаев, М. З., Юсупов, К., & Рахматов, В. (2008, October). Системный подход к определению практической значимости учебной дисциплины. In *Образование через всю жизнь: непрерывное образование для устойчивого развития*. Материалы VI Международной конференции. г. Минск (пр. 2-3).
5. Муртозаев, М. З. (2009). О сегодняшнем состоянии учебных планов подготовки учителей трудового обучения: проблемы и решения.
6. Муртозаев, М. З. (2016). Вопросы модернизации процесса подготовки высококвалифицированных учителей трудового обучения. *Молодой ученый*, (24), 484-486.
7. Murtazayev, M. Z., & Yo'ldashev, M. Q. (2020). Texnologiya talimi darslarida o'quvchilarda bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirishning ayrim masalalari. *Научное знание современности*, (4), 39-44.
8. Муртазаев, М. З., & Дониёрова, Ш. Э. (2020). Умумий ўрта таълим мактабларида технология фанини ўқитишида амалий машғулотларни миллийлик асосида ташкил қилиш асослари. *Научное знание современности*, (3), 25-28.